

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Муносабат

Мана, бир неча кундирки, Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган илгор ғоялар таъсири ва таассуроти билан яшаймиз.

ИСТИҚБОЛ ХАРИТАСИ

Мурожаатнома бошидан охиригача "Инсон – жамият – давлат" тамойилига қурилгани билан аҳамиятлидир. Маърузани яқин истиқболга мўлжалланган "Йўл харитаси" десак тўғри бўлади. Чунки унда барча соҳа ва тармоқларнинг келажаги, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омиллари чуқур таҳлил қилинган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизми очиб берилган. Шу маънода кириб келатган йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" дея ном берилишида катта мазмун мужасам.

Таълим сифатини ошириш масалаларини она тилга эътиборни кучайтирмасдан ҳал қилиб бўлмаслиги аниқ. Мурожаатномада миллий ўзгичлигининг тимсо-

ли бўлган давлат тилига эътиборни янада кучайтириш зарурлигига ургу берилгани, уни мукамал ўрганиш мажбурий экани қайд этилгани бежиз эмас.

Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида униб-ўсайган болалар мактабидан чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиш баробарида она тилини мукамал билишлари зарурат экани Мурожаатномада қатъий таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси келатган Янги йилнинг бутун мазмунини белгилаб берадиган дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Саодат ТУРСУНБОЕВА,
"Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоат фонди бошқаруви раиси

УЛКАН ИМКОНИАТЛАР ПАЛЛАСИ

Президентимизнинг Мурожаатномасида мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги даврга қадам қўяётгани, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берётгани таъкидланди.

Хусусан, Тошкент вилоятида 2022 йил якуни билан sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 87,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 108,2 фоизни кўрсатмоқда. Йил якуни билан аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 29 млн. сўмга этиб, sanoat ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 1 млрд. долларлик экспорти амалга оширилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доirasida 720 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши натижасида 4 мингта тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун жами 130 млрд. сўм маблағ ажратилди.

ЁЗДА ТАЛАФОТ КЎРГАНЛАР ҚИШДА ҲАЛОВАТ ТОПИШДИ



– Ўша даҳшатли тунда уйимиздан ҳеч нарса олиб чиқолмадик, – дейди тошқоқлик Барно Мирзобоева. – Ҳозир Узимиз зўрға кўтарувчилар ёрдамида чиқиб олдик. Бир кечада уйсиз қолиш жуда аянчли. Энди келин тушириш, қиз чиқариш тарафидида эдик. Тушқунликка тушиб, нима қилишимизни билмай, довдираб қолгандик.

Дастлабки кунёқ табиий офатдан зарар кўрган уйлари қайта тиклаш учун вилоят ҳокимининг фармойиши билан 1,5 миллиард сўм йўналтирилди. Яна босқичма-босқич жами 5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, қисқа муддат ичида уйлар қайта қуриб берилди.

Кун кеча янги хонадонлар эгаларига топширилди. Шу му-

носабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

– Сел ҳақидаги хабарни эшитиб, зудлик билан қишлоққа етиб келганимизда аҳвол ниҳоятда оғир, уйлар буткул сув остида қолганди, – деди вилоят ҳокими. – Дарҳол ишчи гуруҳ тузиб, тозалашни бошладик. Табиий офат натижасида зарар етган хонадон-

ларни қайта қуриш ва таъмирлашда ҳомиёлар ҳам ташаббус кўрсатишди. Мана бугун хонадонларни эгаларига топширяймиз.

Эндиликда мана шундай намунавий уйлари вилоятимизнинг бошқа қишлоқларида ҳам тажриба сифатида қураимиз.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ишларга Олмалик кон-металлургия комбинати 450 тонна

цемент, турли тадбиркорлар ва ташкилотлар томонидан қурилиш материаллари етказиб берилди.

Шу кун тўғрисида "Янгибор" маҳалласидаги 100 га яқин оилаларга ҳам имтиёзли кредит асосида арзон уй-жойлар топширилди.

Ўткир ҲОШИМОВ
/Тошкент ҳақиқати/
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Инсон қадри учун

Жорий йил 21 июнга ўтар кечаси содир бўлган кучли ёғингарчилик туфайли сел келиши оқибатида Бўка тумани марказидаги бино ва иншоотларга, аҳоли яшаш хонадонларига жиддий зарар етган эди.

Хусусан, табиий офат оқибатида "Тошлоқ" ҳамда "Ўзбек" маҳаллаларидаги 19 та оила бошпанасиз қолди.

САЛОҲИЯТНИНГ САЛОБАТЛИ ОДИМЛАРИ



Сарҳисоб

Олмалик кон-металлургия комбинатининг Чирчиқ шаҳридаги Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда келгусидаги режалар юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

"Йил аёли – 2022"

"Йил аёли – 2022" танловининг республика босқичида янгийўллик ҳунарманд, рассом Нилуфар Ярмадова 1-ўринни қўлга киритди.

ТАСВИРЛАР ПАРВОЗИ

Нилуфар асли қашқадарёлик. 20 йилдирки, вилоятимизнинг Янгийўл туманида истиқомат қилади. У фаолияти давомида кўплаб танловларда иштирок этиб, қатор ютуқларга эришди.



– Излаган, интилган, меҳнат қилган кам бўлмаслигини ота-онам кўп ўқитиришган, – дейди Нилуфар Ярмадова. – Шу кунларга етказганига шўқр. Очиғи, асарларимни танловларда голиб бўлиш учун чизмаганман. Чунки, ижодкор ўз ҳис-туйғуларини образлар орқали акс эттирилади. Амалий ва таъсирий санъат йўналишида 100 дан ортиқ шоғирларим бор. Айниқса, ногиронлиги бўлган шоғирларимнинг эришган ютуқларидан фахрланаман.

Эътиборлиси, Нилуфарнинг асарлари Франция, Тожикистон, Қозғистон, Туркия, Эрон, Россия, Ҳиндистон давлатларида ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда намоиш этилган.

Байрамни икки қарра қувонч билан кўтиб олаётган Нилуфар Ярмадовага биз ҳам янги ижодий зафар тилаймиз.

Нигора ЎРОЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/

Янги йил... БОЗОР ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Янги 2023 йилга ҳам санокли кунлар қолди. Байрам муносабати билан вилоятимизнинг шаҳар-туманлари марказларидаги деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум жойларда ташкил этилган Янги йил савдо ярмаркалари харидорларга қўлайлик яратмоқда. Айниқса, ярмаркада маҳсулотларнинг нархи ҳамёнбоплигидан аҳоли ямрун.

Байрам ярмаркалари

Олмалик шаҳридаги "Ойдин" деҳқон бозоридида ташкил этилган арзонлаштирилган ярмаркага 20 турдан ортиқ маҳсулотлар пешма-пеш етказилмоқда. Ярмаркада бир килограмм мол гўшти 55-60 минг сўмдан сотилмоқда. Бошқа маҳсулотларнинг нархи ҳам анча мақбул.

Айниқса, Қорбобо, Қорқиз либосидаги қувноқ сотувчилар хушмуомаласи билан харидорларга байрам кайфиятини улашмоқда.

– Янги йил ярмаркаси учун 20 дан зиёд раста тайёрланди, – дейди "Паркент тумани деҳқон бозори" МЧЖ



мутахассиси Фазлиддин Холтоев. – Захираимизда 40 тонна картошка, 30 тонна пиёз, 10 тонна гуруч, 20 тонна пахта ва писта ёғи бор. Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари билан 30 дан ортиқ шартномалар тузганмиз. Шунингдек, олис ҳудудларга кўча дўконлар



орқали 27 турдаги озиқ-овоқ маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда етказиб берилмоқда.

Янгийўл шаҳридаги деҳқон бозоридида ташкил этилган ярмаркада ҳам аҳоли гавжум.

– Янги йил олдида бундай савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши анъанага айланган, – дейди меҳнат фахрийси Гулнора Ирисбоева. – Ҳар йили узоққа бормай, барча керакли озиқ-овоқ маҳсулотларини шу ердан харид қила-

сифати бизга маъқул.

Қайд этиш лозимки, вилоятимиздаги 22 та деҳқон бозори, йирик савдо мажмуалари ҳамда аҳоли гавжум жойлардаги байрам ярмаркаларида таъминотнинг узлуksизлиги, нархларнинг барқарорлиги маҳаллий ҳокимлик, бош прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан назоратга олинган.

Ушбу савдо ярмаркалари аҳолининг байрам дастурхони янада тўжин бўлишига хизмат қилади.

Нозима РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/

Муносабат

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ПАЛЛАСИ

Мурожаатномада айтилганидек, келгуси йилда бошлаб, туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага, инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага, шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага, жозибдорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага, шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади. Эндиликда тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациалар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинмаган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорда белгиланади.

Макур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Яқка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пайсотирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма ҳаражатларини давлат томонидан қўллаб бериш каби бир қатор энгилликлар берилади. Бу каби имкониятлар худудлар иқтисодиётининг ривожланишига тадбиркорлик субъектлари сонининг ошишига хизмат қилади. Умуман, Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар, белгилаб берилган аниқ вазифалар эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Дониёр ЙҮЛДОШЕВ, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Маъмурий ислохотлар: ХАЛҚҚА ХИЗМАТНИНГ ИХЧАМ ВА САМАРАЛИ ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакатимизда турли жабҳалардаги ислохотлар сарҳисоби билан бир қаторда келгуси йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифа ва муаммолар масалаларига, шу жумладан, давлат бошқарувидаги самарадорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Мурожаатномада давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, бошқарув идораларининг худудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлигини кучайтириш, коррупциянинг ҳар қандай кўриниши билан муросясиз курашиш, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш келгуси йилда амалга ошириладиган маъмурий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Фармон билан ҳукумат ва давлат органлари, ташкилотлари тузилмаларини ихчамлаштириш ҳамда қисқартирилиши назарда тутилган бўлиб, унга кўра, 2023 йил 1 январдан Вазирлар Маҳкамаси аъзоси бўлган иккита ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш тизими жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида ўзгартиришлар, шунингдек, мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сони 61 тадан 28 тага, шу жумладан, вазирлик сони 25 тадан 21 тага қисқартирилиши белгиланди.

Эндиликда Вазирлар Маҳкамаси тизимини Инвестициялар, саноат ва савдо, Иқтисодиёт ва молия, Тоғ-кон саноати ва геология, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактаб-гача ва мактаб таълими, Табиат ресурслари, Ёшлар сиёсати ва спорт, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Рақамли технологиялар, Адлия, Транспорт, Маданият ва туризм, Мудофаа, Энергетика, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ташкил этади.

Бундан ташқари, 12 та давлат бошқаруви органлари фаолияти тугатилиб, уларнинг вазифа ва функциялари тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилмоқда. Шунингдек, 16 та республика давлат бошқаруви органлари қай-

та ташкил этилиб, 24 та давлат бошқаруви органининг, шу жумладан, 10 та кўмита, 10 та агентлик, 3 та инспекция ва 1 та бошқа органларнинг ташкилий бўйсунуви ўзгартирилиши назарда тутилди. Фармонда белгиланган вазифалар натижасида мамлакатимизда давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқариб, иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий соҳа, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилади.

Тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан тақорланадиган вазифа ва функциялар қисқартирилиб, амалга ошириш тартиби ёки механизми мавжуд бўлмаган, шунингдек, бирор-бир тузилмага юклатилмаган вазифа ва функциялар қайта қўриб чиқилади.

Таъкидлаш лозимки, хорижий тажрибага кўра, кўпгина ривожланган мамлакатларда ихчам давлат бошқаруви аппарати (вазирликлар) шакллантирилган. Буларга Францияда 18 та, Германияда 14 та, Японияда 13 та, Финляндияда 12 та, Нидерландияда 11 та, Швейцарияда 7 та давлат органлари давлат бошқарувида самарали фаолият юритишини мисол қилса бўлади.

Бундай ислохотлар, шубҳасиз, давлат маблағларини тежашга, улардан тўғри ва оқилона фойдаланишга, энг асосийи, давлат органлари халққа чинакам хизмат қилишига ҳамда бюрократияни кескин камайтиришга олиб келаети.

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Янги йил арафасида яна бир янги ташаббусни илгари сурди.

Гап шундаки, ҳафта бошида бўлиб ўтган "Ҳокимлик соати" йиғилишида айни пайтда чет элларда мигрант бўлиб юрган фуқаролар билан онлайн боғланиб, мулоқот давомида уларни ўзимизда ишлашга қақришни таклиф қилди.

Онлайн мулоқот

ВИЛОЯТ РАҲБАРНИНГ ЭЗГУ ТАШАББУСИ

Кеча Тошкент вақти билан 16.00 да макур мулоқотнинг дастлабкиси бўлиб ўтди.

ZOOM платформаси орқали амалга оширилган мулоқот вилоят раҳбарининг фейсбук, твиттер, телеграмдаги шахсий саҳифаларида ва вилоят ҳокимлигининг интернетдаги тармоқларида тўғридан-тўғри намоиш этилди.

Вилоят раҳбари билан мулоқотда чет мамлакатларда ишлаб юрган вилоятдошларимиз фаол қатнашиб, оилавий шароит, маиший турмуш, фарзандлар тарбияси, тадбиркорлик, бандлик, соғлиқни сақлаш масалаларида кўплаб мурожаатлар йўнлашти.

Вилоят етакчиси уларга жавоб қайтариш асносида, тегишли мутасадди-

лар билан муаммо ва масалаларни ижобий ҳал этиш йўллари ахтарди ва мурожаатларнинг аксар қисми ўзининг ижобий ечимини топди.

Зойир Мирзаев бундай масофавий мулоқотларни мунтазам равишда ташкил этиш, улардан мигрантлар хабардорлигини ошириш бўйича масъулларга таклиф ва тавсиялар берди.

– Макур бирлашма ОКМК таркибидagi энг муҳим бўлима ҳисобланади, – дейди бирлашма директори Илхом Асадов. – Бу ерда молибден ва вольфрам металл қотишмаларидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва асосий қисми экспортга йўналтирилади. Жорий йилда экспортга умумий қиймати 33,3 миллион АҚШ долларидек, ички бозорга эса 29 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулот чиқарилди. Бирлашмада 2022 йилнинг ўзида еттига лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, декабрь ойининг бошида Самарқанд вилоятида деярли 20 йил қаровсиз



САЛОҲИЯТНИНГ САЛОБАТЛИ ОДИМЛАРИ



ётган фабрика қайта тикланиб, у ердаги мис қолдиқларидан қарий 2 миллион АҚШ долларидек маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, бирлашмада 2022-2026 йилларда умумий қиймати 161,05 миллион АҚШ долларига тенг 34 та лойиҳани амалга ошириб, яна 750 га яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ Жалопиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Вилоят буйлаб

БЕКБОД туманидаги 51 та маҳаллада фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари ва "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари иштирокидаги йил якунларига бағишланган тадбирда йил давомида ютуқларга эришган фаол хотин-қизларга ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар берилди.

ПИСКЕНТ тумани сув хўжалигида йил якунлари сарҳисоб қилинди. Тадбирда самарали меҳнат қилган ходимлар рағбатлантирилди.

ЧИРЧИҚ шаҳар ҳокимлиги ҳамда маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази томонидан "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" да рўйхатда турувчи 18 нафар фуқарога имтиёзли субсидиялар ажратилди.

ОҚҚҮРҒОН туманида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда "Ёшлар дафтари" жамғармаси Васийлик кенгаши ҳамда агентлик томонидан 74 талаба, 20 нафар сафарбарлик қақриуви резервида ҳужжат топширган ёшларга тўлов сертификатлари тақдим этилди.

Пири бадавлатларимиз

Нурафшон шаҳрининг "Оппок" маҳалласида 82 ёшли онахон яшайди. Қариндош-уруғ, кўни-кўшнлари онахонни "Фармонбиби" деб қақришади. Белидан қуввати, кўзидан нури кетган, деган гап онахон учун бегона. Яқинла-

Асли Пискент туманининг Янгибой қишлоғида дунёга келган Гулданнинг болалиги урушининг суронли йилларига тўғри келди. Эсини танибдики, далада меҳнат қилди: кетмон чопди, уроқ ўрди, пахта терди. Ўша даврларни хотирларкан: "Болалик нималигини билмадик. Бир бурда нон, ярим коса атала учун оналаримиз, опа-укаларимиз билан кун буйи далада меҳнат қилар эдик. Декабрнинг охиригача далада кўсак териб, толасини қадоқ қўлларимиз билан "чуви"-ганимиз ҳали ҳам ёдимда", деб кўзига ёш олади онахон.

– Ҳозирги замон ёшларига ҳавасим келаети, – дейди Гулдана ая. – Бундай дориламон замоннинг қадрига етиш, шукр қилиш керак. Шунга ақойиб кунларни кўриш менга ҳам насиб қилганига беҳисоб шукр. Турмуш ўртоғим

нинг айтишича, шу ёшда ҳам ўтин чопиб, "кўрпа"дек қилиб тахлаб кўядиган Гулдана ая Сейдахмедова яна боксга ҳам қизиқаети. Ижтимоий тармоқлардаги бокс мусобақаларини қолдирмай кузатиб боради.

МАОШГА АРАЛАШМАЙДИГАН ФАРМОНБИБИ

физика-математика фани ўқитувчиси эди. Иккимиз олти нафар фарзандни улғайтириб, элга қўшдик. Ҳаммалари олий маълумоти бўлишиди. Уч нафари оиласи билан бошқа давлатларда яшашади. Зерикдим дегунча, фарзандларим, невараларимни кўргани гоҳ Россия, гоҳ Қозғистонга бир ўзим бориб келавераман.

Дарҳақиқат, онахоннинг тўрт келини тўрт миллатдан. Оиладаги ҳамжиҳатлик эса Фармонбинининг "назорат"ида. Катта келиним Гулистон қорақалпоқ қизи, – дея давом этди онахон. – Уф-

лим Абдуғаффор Москвада ўқийтганда танишган. Тақдир экан, Қорақалпоғистонга совчи бўлиб бордик. Раҳматли кудаларим жуда яхши, тушунган инсонлар эди, рози бўлишиди. Ҳозир иккаласи жуда бахтли яшашади. Иккинчи келиним Назиранинг миллати қозоқ. Мен билан бирга туради. Кўнглимга қарайди, ўзим моҳир чевар, пазанда. Учинчи келиним Олия рус, аммо қозоқ тилида бйрон гапиреди. Андижондан келини қилиб туширганмиз. Қўли гул хунарманд, расом. Чизган суратларида ҳаёт "гуллаиди", яна расмларни ип билан матога ти-



биламан. Кўп ёшлар оила қуришга тайёр эмас. Озгина тушунмовчиликка ҳам чидамай, дарров ажрашишга шошилишади. Шароитлар яхшиланигани сари йигитлар ҳам, қизлар ҳам нозиклашиб кетишяпти, назаримда. Сабрли бўлиш, мундоқ катталарнинг насиҳати, маслаҳатига қулоқ солиш керак-да", дейди онахон. Ҳа, Гулдана опа ҳақиқатини аччиқ, аммо самимий айтади. Шунданми онахонни маҳаллада Фармонбиби дейишади. Дарҳақиқат, онахондан ўрганганидан жиҳатлар кўп. Уларнинг оиласига, рўзгор тутумига ҳамманинг ҳаваси келаети. Еттига бўлмасам ҳам тўрт келин билан она-боладек яшаётган онахонга узок умр тилаб, хайрлашдик. Нигора ҲАҚИҚОВА /Тошкент ҳақиқати/ Муаллиф олган сурат

Ажаб сирлар


Кўчқор акани йиғлатган "Темир хотин"

«Темир хотин» фильмидаги Кўчқор акани ўзига ром этган Аломат, бир қарасангиз мукамал ашулачи, бир қарасангиз тенгсиз раққоса. Зарурат чоғида эса мислсиз уй бекаси, далада сал кам пахта териш машинаси. Хуллас, инсон бажариши мумкин бўлган ҳар ишни дундиради. Бу ҳали ҳаммаси эмас, темирдан ясалган «шаддоод қиз» шу қадар кучли файласуф экани, бечора Кўчқор акани беш дақиқа



Ҳисоблаш қурилмаларига бағишланган илмий анжуманда, Фон Нейман лойиҳаси технология соҳасида туб бурилиш ясади. Мазкур лойиҳага кўра, ишлаб чиқиладиган машина учта асосий қисмдан иборат бўлиши керак: қабул қилувчи, қайта ишловчи ҳамда натижа чиқарувчи. Яъни, у берилган буйруқ ва маълумотларни қабул қила олсин. Инсоннинг қулоғи каби эшитиш (микрофон), кузи каби кўриш (сканер, камералар), териси каби сезиш (сичқонча, клавиатура ва сенсорли қурилмалар), ҳатто таъм ва ҳид билан ҳусусиятларига эга бўлсин. Кейинги босқич, инсоннинг фикрлашига монанд, берилган масалаларни ҳал қилишга мослашган қурилмаларни ўзида мужассам этсин. Бунга процессор ва хотира каби бошқа қурилмаларни кириштириш мумкин. Энг асосий босқичда эса, натижаларни чиқариб бериш туради. Гапириш (карнай), ёзма

Калаванинг учи




асрда немис олим Уильям Шикард, кейинроқ эса француз математиги Блез Паскаль томонидан илк калькуляторлар ишлаб чиқарилган. Чарлз Беббиджининг иxtиро қилган «чиқариш техникаси» ва «аналитик техникаси» компьютер ва сунъий зеҳн тарихининг муҳим иxtироси саналади. Сунъий зеҳннинг фан шаклида ривожланиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган. Алан Тьюрингнинг ақлли техникалари, Норберт Уинернинг кибернетикага оид ижоди, Хэбберт Саймоннинг «муносабатлар назарияси» тадқиқотлари эсга олинмиши керак бўлган муҳим изланишлардир. 1940 йилнинг охирида инглиз физиги ва математиги Алан

Тьюринг электрон компьютерларнинг асосини ташкил этувчи ҳисоблаш назариясини илгари суради. 1941 йилда Конрад Зуе биринчи бор дастур орқали бошқариладиган компьютерни ишлаб чиқди. Уоррен Маккалок ва Валтер Питслар эса, нейрон тармоқнинг асосини ташкил этувчи «Асаб фаолиятидаги ажралмас голярнинг мантқий ҳисоби» китобини 1943 йили чоп эттиди. Тьюринг 1950 йилда ёзган мақола-сида, инсоннинг қандай қилиб ўйлашини моделлаштиришга ҳаракат қилган ва ҳозирги кунда ҳам «Тьюринг тести» деб аталувчи махсус синов услубини фанга киритди. 1956 йили америкалик олим бу турдаги тадқиқотларга «сунъий зеҳн» номини бериш таклифи билан чиқади. Шундай қилиб, сунъий зеҳни қурилмалар даври бошлади.

Одамзод ақл ёрдамида ҳар доим ўз ишини енгиллатиб келган. Оғир меҳнатни бошқа воситалар ёрдамида осонлаштириш инсонга хос. Унинг жисмоний «дастёрлари» сифатида от, эшак, туя ва яна бир қанча жонли воситаларни келтириш мумкин. Жонсиз «ёрдамчилар»га ричаг, арава, машина, трактор каби воситаларни мисол қила оламиз.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ХАЁЛИЙ ЗЕХНИЯТНИНГ ХАЁТИЙ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Шу билан бир қаторда, ақлий юмушларни бажарувчи қурилмалар ҳам инсоният тараққийига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Саноқ чўплари, чўтлар, устурлаб, рубъу тах-



ичида хоҳласа қулдиради, хоҳласа хўнграиб йиғлатади. Бу ёзувчи қалами махсули – тўқима робот. Хорижликлар хаёл қиладиган киборг одамлар манзараси эса, «Матрица» ҳамда «Терминатор» каби фильмларда ўз аксини топган. Унда клонлаш орқали етиштирилган ва махсус чиплар ўрнатилган одамларни умумий сервер орқали бошқариб, бутун дунё устидан ҳукмронлик ўрнатиш каби манзараларга дуч келиш мумкин...

Каспаровни енгган... Каспаров

Суперкомпьютерлар синфига кирувчи Дееп Блуэ биринчи марта 1985 йилда кашф қилинган эди. 12 йиллик қайта ишлаш натижасида, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни мот қилди. Мазкур компьютер базасида 32 та процессор

32 та компьютерга тенг. ИБМ П2СС маркали бу чипнинг ҳар бири 160 Кб. кеш хотира ва 15 миллион транзистордан иборат. Компьютернинг дастурий базаси Каспаровнинг ўйин услубини ҳам ўз ичига олган 100 йиллик шахмат ўйини услублари билан бойитилган эди (шу жиҳатдан, Каспаров ўзига ўзи ютқазди, десак ҳам бўлаверарди). Дееп Блуэ лойиҳачиларидан Мюррей Кэмпбелл: «Бу галаба компьютерга эмас, унинг орқасидаги бутун бошли гуруҳга тегишли...», дейди. Компьютер эса хато қилмаслик ва чарчамаслик ҳусусияти билан ишни самарали қилган, холос.



Массачусетс технология университети олимлари сунъий зеҳн тараққийи йўлида бошқароқ услубда иш олиб боришди. Родни Брукс раҳбарлигидаги гуруҳ «Сог» исмли робот устида уч йил изланиб, уни зўрга бир ойлик чақалоқ даражасига келтира олди. Сунъий зеҳн мутахассислари роботга ўрнатилаётган зеҳн тизими ўзига хос услуб

эканлигини таъкидлашмоқда. Чунки, қарор қабул қилишда керакли маълумотларни жамлаш учун, робот инсондек кўриши, эшитиши ва бошқа ҳис қилиш аъзолари ҳусусиятларга эга бўлиши лозим. Брукс роботининг кўзлари камералар, қулоқлари микрофонлар ва ҳаракат аъзолари кўлга ўхшаш сезгир ускуналардан иборат эди. Аммо, шунга қарамаддан, олимлар «фарқлай олиш» ёки «фарқи сезиш» ҳусусиятига мазкур роботларнинг қачон эришишини аниқ айта олмаётдилар. Улар, роботларни инсонларга хос бўлган, керак пайтида ҳазиллашши, газабланиш каби ҳислатлар билан таъминлашнинг эътирофи иложи йўқлигини эътироф этиб, бунинг учун йиллар, балки, асрлар кераклигини таъкидлашмоқда.

Йўналишлар

Барча соҳада бўлгани каби, сунъий зеҳн учун ҳам қурилма ва дастур таъминоти зарур. Аммо бу ҳозирча муаммо. Ҳатто дастур таъминоти учун керак бўлган зеҳн ривожланишининг зарур шартларини аниқ кўрсатиб берувчи назария ҳозирча мавжуд эмас. Олимлар фақатгина Ньюэлл-Саймон гипотезаси каби, исботланмаган фикр ва назарияларга таяниб иш кўрмоқдалар. Зеҳн тизimini ишлаб чиқиш айнан инсон зеҳнидан андоза олинган иккита асосий йўналишга бўлинади:




- 1. **Рамзли.** Инсоннинг маълумоти тасвирлаш ва ундан фойдаланишдаги юқори даражали фикрлаш жараёнини моделлашга асосланган;
 - 2. **Нейрокибернетик.** Инсон миясидаги кичик даражали алоҳида тузилмалар нейронларни моделлаштиришга асосланган.
- Демак, юқори даражали сунъий зеҳн масаласи, интеллектуал компьютер тизimini қуришдан иборат. Токи, бу тизим масалаларини инсон имкониятларига яқин даражада ҳал қила олсин.



Тескари алоқа

Тьюрингга кўра, ҳар бир жавоб қайтарувчи нарса зеҳнга эга ҳисобланади. «Қўшни хонадаги компьютерга тармоқ орқали хабар юборганингизда, жавоб сигнали келдики, демак, у зеҳн соҳиб. Компьютерни ақлли деб ҳисоблаш мумкин, агар у бизни оддий машина эмаслигига ишонтира олса». Бу ҳол фан тилида «тескари алоқа» деб аталади. Масалан, бирон ҳайвонга калтакни кўрсатганингизда қочиши, яъни, сизнинг ишорангизга ўз таъсирини кўрсатиши ҳам тескари алоқага мисол бўла олади. Ҳолбуки, у маълумотни қабул қилиб олди, таҳлил қилди ва ўз жавобини берди. Яъни, унда биз юқорида таъкидлаб ўтган, Фон Нейман принципи ишляпти.



жойлашган. Жами оғирлиги 1,4 тоннани ташкил қиладди. Битта шахсий компьютер бир процессорга эгаллигини ҳисобга олсак, Дееп Блуэнинг қуввати камида

Сунъий зеҳнга оид тадқиқотларда кибернетика, психология, социология, математика, биология, статистика каби қатор фан соҳаларидан фойдаланилмоқда. Сунъий зеҳн соҳасидаги қизиқарли турлича бўлиб, уларнинг баъзиларида инсоннинг тушуниш қобилиятини турли савияларда мантқий жараён алгоритмлари

Сунъий зеҳн истиқболи

билан моделлашга ҳаракат қилинмоқда. Сунъий зеҳннинг келаждаги ривожланиши иккита йўналишга ажралади: 1. Сунъий зеҳн тизimini инсонга хос қобилият ва малакалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш.

ман ақлли бўла олмайди, демоқчи эмасман. Лекин дастур асосида ишлайдиган бу рақамли қурилмалар, ҳеч қачон инсон даражасида ақлли бўла олмайдилар. Шунинг учун ҳам, биз тасаввур қилаётган даражадаги сунъий зеҳнини ишлаб чиқишнинг ҳеч ҳам илжай йўқ».

Содиқ ҲАМРОҚ

Озиқ-овқат маҳсулотлари захирасида муаммо бўлмайди

Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаевнинг топшириғига кўра, қиш-баҳор мавсумида аҳоли учун етарли озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш асосий вазифа этиб белгиланди. Бугунги кунда омборхона ва совутиш сифимларида сақланаётган маҳсулотлар захираси ҳисоб-китоб қилинганда, мавжуд эҳтиёжга жавоб бермаслиги аниқлангани сабабли, масъуллар зиммасига бу борада қатор вазифалар юкланди. Унга кўра, барча туман-шаҳарларда 2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, захира яратишда озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, вилоят аҳолисини жами 31 минг тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсад қилинган. Вилоят ҳоқимлиги ташаббуси билан марказлашган ҳолда яратилган захира микдори ва ажратилган жамғарма маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан тузилган ишчи гуруҳи

жойларда ўрганиш олиб бормоқда. Бириктирилган масъуллар омборлардаги маҳсулотлар захирасини назорат қилиб, худудларга етиб боришини таъминламоқда. Шунингдек, бозор ва савдо ярмаркаларида жамоатчилик назоратини ташкил этган ҳолда, нархлар сунъий оширилишининг олдини олиш, маҳсулотларни узлуксиз ет-

Абдулазиз МУСАЕВ

Байрам нархи-навоси маълум, оби-ҳавоси қандай?

Бу йил 31 декабрь оқшоми – 2023 йилга ўтар кечаси Ўзбекистоннинг кўплаб минтақаларида қор ёғиши мумкин. Бу ҳақда Гидрометеорология хизмати маркази мутахассиси Эркин Абдулаҳатов ўзининг Telegram каналида ёзмоқда.

Дарвоқе

Мутахассиснинг ёзишича, келаятган ўн кунликда Ўзбекистонга шимоли-ғарбдан ўта совуқ ҳаво оқимлари кириб келмаслиги кутуляпти. У, шунингдек, ўзбеклар янги йилни қандай об-ҳаво билан кутиб олиши ҳақидаги саволга ҳам жавоб берган. «Айрим иқлим моделлари 2023 йилга ўтар кечаси соат мил-



лари 00:00 га бонг урганда, республиканинг катта қисмида ташқи муҳитда қор ёғиши мумкинлиги тўғрисида кутулмаларни тақдим этмоқда», – дейди иқлимшунос. Унинг қайд этишича, мутахассислар вазиятни об-ҳаво хариталари, атмосферадаги ҳаво айланмалари ҳаракати орқали

синчковлик билан кузатишмоқда. Ҳозирда 28 декабрдан сўнг республикага бир неча босқичда нам ҳаво оқими кириб келиши ойдinлашмоқда.

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов туғилган кун

Эркин Ватан ёши менинг Ёши м ҳисобидир



Кеча ёққан қор

Қабристонда кеча ёққан қор
Милдир-милдир эриб ётибди.
Гўр устида бир ит инараб зор,
Лойла бағрин бериб ётибди.

Кеча тобут кўтарилган дам
У беором югурган-елган.
Қувсалар ҳам, тош отсалар ҳам
Эл ортидан мозорга келган.

Отасидан айрилса агар
Бунча куймас одам боласи.
Елгон эди кеча йиғилар,
Рост эди шу итнинг ноласи.

Совуқ тунда қотиб, дийдираб,
Қабрга у куйиб ётди бош.
Эриган қор каби милдираб
Кўзларидан тинмай оқди ёш...

Биз инсонмиз, соҳиби дунё,
Қудратлимиз, мағруримиз, тўқмиз.
Садоқатда, меҳрда аммо
Шу бечора бир итча йўқмиз...

Менга тош отди бир жоҳил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.
У қулдир бандаи гофил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

Жаҳонда фитналар бордир,
Адолат гоҳи ночордир.
Адолат қил, Узинг одил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

Сени ётлар туғул ҳатто –
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам
Бўлурман гаҳ кўзимдан ҳам.

Кўзим ёнгай сенга наргис –
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам, лолага рашким
Аён бўлаёй юзимдан ҳам.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Кечир, ё Раб!

Ёмон бўлдим, ёмон бўлдим,
Хато ўққа нишон бўлдим,
Хато қилган эмас қотил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

Гуноҳидан ўт ул жоннинг,
Сўзига кирди шайтоннинг,
Кўнгли алданмоққа мойил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

Рашик

Дегайларки, чаросу
Ол гилос олмиш лабиндан ранг,
Лабинга тегса ҳасад қилғам,
Гилос бирлан узумдан ҳам.

Сени жоним дедим ёлғиз,
Сени қалбим дедим танҳо,
Чимирдинг қош, пушаймонман
Қўпол айтган сўзимдан ҳам.

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур оstonасидан.
Пиёлаи инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Камтарлик ҳақида

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур оstonасидан.
Пиёлаи инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Кечир, янглишмаган ким бор,
Менинг ҳам кўп гуноҳим бор.
Одамод асли нокомил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

У ҳам, мен ҳам қиёматда,
Турармиз лол хижолатда.
Бўлиб даргоҳинга дохил,
Кечир, Ё Раб, кечирдим мен.

Висол онда кўз очса,
Не тонг, тонгдан кўнгилда ранж,
Жудо қилгай мени ой юз,
Хумор кўз юлдузимдан ҳам.

Сенга ўн тўртда боғландим,
Ҳануз эркин бўлолмас дил,
Ўзим доғман, ақл қирмас,
Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.

Шарбия

Жиян тоғасига, "Жиннисан" – деса,
Ота танбех берди ўғлига секин:
– Тоғанг катта одам, каттани эса,
Сизлаи керак, ўғлим.
Жиннисиз, – дегин.

Бағишлов

Эй сен, латиф дўст, бу сенга
Умрим китобидир,
Умрим китоби не, олис
Йўл сарҳисобидир.

Бу йўл равон эмас, унинг
Паст-у баланди кўп,
Жон риштасидек мисралар
Йўлнинг танобидир.

Бир шаҳр номи Ибтидо,
Бир шаҳр Интиҳо,
Жонимда икки шаҳр аро
Йўл изтиробидир.

Сен ким эдинг, ким бўлдинг, эй,
Дил, деб сўрайди дил,
Шеър асли дил саволига
Дилнинг жавобидир.

Умрим агар боғ бўлса, сиз
Боғбонисиз, элим,
Тутдим, олинг – ўз боғингиз
Шарбат, гулобидир.

Ёшинг неча деб сўрмангиз,
Ёрон-у аҳли дил,
Эркин Ватан ёши менинг
Ёшим ҳисобидир.

Олмалиқ кон- металлургия комбинати

акциядорлик жамияти жамоаси барча
юртдошларимизни кириб келаётган

Инеонга эътибор ва
еифатли таълим йили

билан самимий муборакбод этади!


Янги йил халқимиз учун чексиз имкониятлар,
залворли ютуқлар йили бўлсин!

2023

йил хонадонларимизга бахт,
омад ва қувонч олиб келсин!



Реклама ҳуқуқи асосида



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxon:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 21.20

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

3 915 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taqoq. O'fset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manziligimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.